

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МУРАТОВА ШОҲИСТА НИМАТУЛЛАЕВНА

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ЁҚИЛГИ-
ЭНЕРГЕТИКА МАЖМУАСИНИ ИҚТИСОДИЙ-ЭКОЛОГИК
РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
in Economics Sciences**

Муратова Шоҳиста Ниматуллаевна

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ёқилғи-энергетика
мажмуасини иқтисодий-экологик ривожлантириш 3

Муратова Шоҳиста Ниматуллаевна

Экономико-экологическое развитие топливно-энергетического
комплекса в условиях модернизации экономики..... 25

Muratova Shokhista Nimatullayevna

Economic-ecological development of fuel and energy complex
in the context of modernization 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МУРАТОВА ШОҲИСТА НИМАТУЛЛАЕВНА

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ЁҚИЛГИ-
ЭНЕРГЕТИКА МАЖМУАСИНИ ИҚТИСОДИЙ-ЭКОЛОГИК
РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2017.1.PhD/Iqt10 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг
www.tdiu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алимходжаев Собир Рахимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Карриева Якутджан Каримовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Сайдахмедов Хикматулла Маҳкамович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий
даражалар берувчи DSc.27.06.2017.1.16.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик
илмий кенгашнинг 2018 йил «13» апрел да соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади.
(Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72;
факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс
марказида танишиш мумкин (887 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003,
Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72.

Диссертация автореферати 2018 йил «28» сепар кунни тарқатилди.
(2018 йил «28» сепар даги 10 рақамли реестр баённомаси.)



Б. Ю. Ходиев

Б.Ю.Ходиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
асосидаги бир марталик илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

А.Н. Самадов

А.Н.Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
асосидаги бир марталик илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.н., доцент

Б.Т. Салимов

Б.Т.Салимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
асосидаги бир марталик илмий кенгаш
кошидаги бир марталик илмий семинар
раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон энергетик салоҳиятининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда ёқилғи-энергетика балансида кўмир улушининг ортиши кузатилиб, 2006 йилдаги 26%дан 2030 йилда 29%га ошиши прогноз қилинмоқда. Бир қатор мамлакатларда кўмир нархи нефть ва газга нисбатан анча паст бўлиб, электр энергиясининг кўмир ҳисобига ишлаб чиқариладиган улуши АҚШда 52%ни, Германияда 53%ни, Хитойда эса 78%ни ташкил этади. Истиқболда энергия ресурсларининг анъанавий турлари (нефть, газ ва кўмир) етакчиликни сақлаб қолади ва 2006-2030 йиллар даврида уларга бўлган талаб даражаси 79%гача ўсиб, жумладан кўмирга бўлган талаб 35%ни, газга 24%ни ва нефтьга 20%ни ташкил этади¹.

Мустақиллик йилларида саноат тармоқларининг юқори суръатларда ривожланиши ёқилғи-минерал хомашё ресурсларига бўлган талабнинг ошиб боришини ва уларни кўп миқдорда қазиб олинишини тақозо этди. Бугунги кунда ёқилғи-энергетика мажмуасини иқтисодий-экологик ривожлантириш борасида ўз ечимини қутаётган муаммолар мавжуд бўлиб, жумладан ёқилғи ресурсларини қазиб олишнинг кон-техник шароитларини яхшилаш ва табиий муҳит ҳолатини эътиборга олган ҳолда ресурслардан мажмуавий фойдаланиш орқали фаолиятнинг иқтисодий-экологик интеграциялашувини таъминлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳар йили энергетика сектори ҳавога ўртача 65 минг тонна олтингугурт газини чиқаради, бу саноат иншоотлари чиқарадиган чиқиндиларнинг 58,8%ни ва умумий олтингугурт газини чиқиндисининг 30,7%ни ташкил этади. Агарда ёқилғи-энергетика балансида истиқболда кўмир улушининг ошишини эътиборга олсак, ифлосланиш жараёни янада кескин ортиши кузатилади². 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш»³ бўйича устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг самарали ҳал этилиши иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ёқилғи-энергетика мажмуасини иқтисодий-экологик ривожлантиришни тақозо этади.

Жаҳон амалиётида тўпланган илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, республика ёқилғи-энергетика мажмуаси фаолиятини иқтисодий-экологик жиҳатдан ривожлантиришнинг илмий асосларини такомиллаштириш талаб этилмоқда. Яъни, хорижий мамлакатлар тажрибалари асосида мамлакатимиз

¹<http://www.iea.org> (IEA, World Energy Outlook) маълумотлари.

²БМТнинг ЕИК Атроф-муҳит сиёсати қўмитасининг Атроф-муҳит ҳолатининг шарҳи. Ўзбекистон. Иккинчи шарҳ. – БМТ, Нью-Йорк ва Женева, 2010. – Б.150.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ёқилғи-энергетика мажмуаси фаолиятининг иқтисодий-экологик интеграциялашувини таъминлаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сонли «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 июндаги 161-сонли «2013-2018 йиллар даврида кўмир саноати корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда уни мувозанатли ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат соҳаларини, ёқилғи-энергетика мажмуасининг алоҳида тармоқларини атроф табиий муҳит билан боғлиқликда барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқаришни экологик мувофиқлаштириш масалалари D.Th. Bruijen, R. Kjell, D.W. Pearce, J.J. Warford, R. Wasserstrom, S. Reider каби хорижлик иқтисодчиларнинг ишларида тадқиқ этилган⁴.

МДХ мамлакатларида саноат соҳалари миқёсида, жумладан, ёқилғи-минерал хомашё ресурсларини казиб олиш жараёнида табиатдан оқилона фойдаланиш билан боғлиқликда ўрганилиш масалалари С.Н. Бобылев, А.Ш. Ходжаев, А.С. Астахов, Е.Я. Диколенко, В.А. Харченко, Э.В. Гирусов, М.Е. Певзнер, А.А. Малышев, А.Д. Мельков, В.П. Ушань, И.В. Харченко, В.И. Данилов-Данильян, К.С. Лосев томонидан ўрганилган⁵.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан С.Р. Алимходжаев, Э.Р. Бикеева, А.У. Бурханов, А.А. Закиров, Ш.Э. Зокиров, С.А. Ибрагимова,

⁴Bruijen D.Th. Pollution prevention and industrial transformation: evoking structural changes within companies // Journal of cleaner Production 8(2000) - № 3. - p. 215-233; Kjell R. Technology will continue to profoundly affect energy industry // Oil & Gas Journal, 30/III, 1998.; Pearce D.W., Warford J.J. World without end: economics, environment and sustainable development. - Washington, D.C.: John Hopkins University Press, 1993.; Wasserstrom R., Reider S. Oil firms in environmentally sensitive areas learning to balance stakeholder interests // Oil & Gas Journal, 18/VIII, 1999.

⁵Бобылев С.Н., Ходжаев А.Ш. Экономика природопользования. // Учебник. – М., ТЕИС, 2003. – 567 с.; Бобылев С.Н., Ходжаев А.Ш. Экономика природопользования. // Учеб.пособие. –М.: ИНФРА, 2004. – 501 с.; Астахов А.С., Диколенко Е.Я., Харченко В.А. Экологическая безопасность и эффективность природопользования. – М.: Издательство Московского государственного горного университета, 2009. – 323 с.; Гирусов Э. В. и др. Экология и экономика природопользования. // Учебник для ВУЗов. – М.: ЮНИТИ, 2003. – 519 с.; Певзнер М.Е., Малышев А.А, Мельков А.Д., Ушань В.П. Горное дело и охрана окружающей среды.//Учеб.для ВУЗов. – М.: Издательство Московского государственного горного университета, 2001. – 300 с.; Харченко И.В. Эколого-экономическая оценка функционирования угольных шахт. Дисс. на соискание ученой степени к.э.н. – М.: МГУ, 1995. – 128 с.; Данилов-Данильян В.И., Лосев К.С. Экологический вызов и устойчивое развитие. – М.: Прогресс-Традиция, 2000. – 416 с.

М.А. Махкамова, К.Р. Мелькумов, Д.С. Насирходжаева, Д.Б. Парпиев, М.Х. Саидов, Х.М. Сайдахмедов, С.Т. Сахатов, А.Т. Умаров, Ф.Я. Умаров, Ш. Эгамбердиевлар илмий ишларида⁶ бу борадаги мавжуд муаммоларнинг айрим жиҳатлари ва ечимлари ўз аксини топган, аммо мамлакат ёқилғи-энергетика мажмуаси барқарорлигини ва салоҳиятини таъминлашда атроф-муҳитга етказиладиган иқтисодий-экологик зарарни бартараф этиш ҳамда камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда баҳолаш, шунингдек, иқтисодий-экологик тизим ривожланиши, интеграциялашувини таъминлаш бўйича илмий-амалий тавсиялар етарлича ишлаб чиқилмаган.

Мазкур масала юзасидан олиб борилган тадқиқотлар ёқилғи-энергетика мажмуасида иқтисодий ҳамда экологик дастурларни биргаликда тизимли ёндашув асосида амалга ошириш орқали олинадиган ижобий самарани янада оширишга қаратиш лозимлигини талаб этади. Шу сабабли, бугунги кунда ёқилғи-энергетика мажмуасининг кўмир саноат тармоғини иқтисодий-экологик ривожланишини таъминлаш йўналишларини асослаш ва унинг услубиятини ишлаб чиқиш муҳим илмий масала ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган, 2015-2017 йилларга мўлжалланган А-2-59 «Саноатнинг юқори технологик тармоқларида инновацион кластерларни шакллантириш методологиясини ишлаб чиқиш»нинг амалий тадқиқотлари давлат лойиҳаси доирасида бажарилган.

⁶Алимходжаев С.Р. Проблемы повышения эффективности развития горно-металлургического комплекса Узбекистана в условиях формирования рыночных отношений. Дис...док.экон.наук. – Т.: 2002. – 292 с.; Бикеева Э.Р. Энергетическая политика в Узбекистане: перспективы развития энергетического сектора и ориентиры диверсификации баланса первичных энергоносителей в рамках перехода к ресурсосберегающей модели развития: Аналитический доклад. ИПМИ 2015 г.; Бурханов А.У. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари: и.ф.д.дис. – Т.: 2011 – 296 б.; Закиров А.А. Методика оценки интенсивности развития нефтегазодобывающего производства. – Ташкент: НТС ПО «Узбекнефть», 1992.- 20 с.; Зокиров Ш.Э. Жаҳон нефть бозорида нарх шаклланишининг глобал муаммолари // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. 2015. - №5, сентябрь-октябрь; Ибрагимова С.А. Экономическая эффективность использования техногенных ресурсов (на примере горнодобывающих предприятий). Автореф. дис...канд. экон.наук. – Т.: ТашГУ, 2006. – 26 с.; Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан. Дис...док.экон.наук. – Т.: 2004. – 291 с.; Мелькумов К.Р. Институциональные преобразования в нефтегазовом комплексе Узбекистана. Дис.канд.экон.наук. – Т.: 2005.-148 с.; Насирходжаева Д.С. Формирование стратегии развития промышленных предприятий на отраслевых рынках. Дис...док.экон.наук. – Т.: 2011. – 327 с.; Парпиев Д.Б. Ўзбекистон Республикаси нефть-газ тармоғи корхоналарининг халқаро маркетинг стратегиясини такомиллаштириш. И.ф.д.дис. – Т.: ТДИУ, 2016. – 205 б.; Саидов М.Х. Экономическое регулирование развития регионального хозяйства с учетом экологических факторов (на примере Кашкадарьинской области). Дис...канд.экон.наук. – Т.: 1994. – 136 с.; Сайдахмедов Х.М. Влияние истощения минерально-сырьевых ресурсов на устойчивый экономический рост страны. // Материалы Международной научно-технической конференции «Интеграция науки и практики как механизм эффективного развития геологической отрасли Республики Узбекистан», Часть 1. – Т.: ГП «НИИМР», 2016. – С.324-326; Сахатов С.Т. Государственное регулирование развития топливно-энергетического комплекса Узбекистана в условиях перехода на рыночные отношения. Дис...канд.экон.наук. – Т.: 1995. – 116 с.; Умаров А.Т. Минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг экологик жиҳатлари (Тошкент вилояти мисолида). Дис... икт.фан.ном. – Т.: 2007. – 160 б.; Умаров Ф.Я. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кўмир саноати бошқарув тизимини такомиллаштириш йўллари («Ўзбеккўмир»АЖ мисолида). И.ф.н.дис. – Т.: 2008. – 148 б.; Эгамбердиев Ш. Саноат корхоналарида инвестициявий сиёсатни ривожлантириш истикболлари.//Бозор, пул, кредит. 2011. – Б.20-26.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодий-технологик модернизациялаш шароитида ёқилғи-энергетика мажмуасининг кўмир саноат тармоғини иқтисодий-экологик жиҳатдан ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республика ёқилғи-энергетика мажмуаси ривожланишининг ҳозирги ҳолатида ташкилий, иқтисодий ва экологик масалаларнинг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш;

ёқилғи-энергетика мажмуасининг кўмир саноати тармоғида инновацион-инвестицион жараёнларнинг иқтисодий-экологик ривожланишга таъсирини тадқиқ этиш;

ёқилғи-энергетика мажмуасининг кўмир саноати тармоғи фаолиятини иқтисодий-экологик дастурлаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

ёқилғи-энергетика мажмуасининг кўмир саноат тармоғи фаолиятида интеграциялашган иқтисодий-экологик тизимларнинг математик моделини, усулини ҳамда оптималлаштириш жараёнларини ишлаб чиқиш бўйича илмий асосланган таклифларни илгари суриш;

мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда ёқилғи-минерал хомашё ресурсларидан фойдаланишни экологик мувофиқлаштиришнинг услубиятини ишлаб чиқиш;

кўмир саноатида атроф-муҳитнинг ифлосланишидан ва зарарланишидан муҳофазаловчи талабларни бажариш бўйича барқарор ривожланишини таъминлайдиган интеграциялашган иқтисодий-экологик тизим асосида ривожланиш йўналишларини ишлаб чиқиш;

кўмир саноатини иқтисодий-экологик ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли прогнозини ишлаб чиқиш;

кўмир саноатини иқтисодий-экологик тизим асосида ривожланиш йўналишларига эришиш учун чора-тадбирлар ва механизмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республиканинг ёқилғи-энергетика мажмуасида атроф-муҳитга таъсири сезиларли даражада юқори бўлган кўмир саноат тармоғи танланган.

Тадқиқотнинг предметини ёқилғи-энергетика мажмуасининг кўмир саноат тармоғи фаолиятини иқтисодий-экологик ривожлантириш билан боғлиқ иқтисодий-экологик муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этишда иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг диалектик, қийсий таҳлил ва синтез, эксперт баҳолаш, математик моделлаштириш ҳамда прогнозлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёқилғи-энергетика мажмуаси корхоналарининг интеграциялашган иқтисодий-экологик фаолиятини такомиллаштиришнинг босқичли механизми таклиф этилган;

интеграциялашган иқтисодий-экологик фаолият чора-тадбирларини ишлаб чиқишда экологик дастурлаштириш субъектлари ва табиий муҳит муносабатларини мувофиқлаштириш тузилмаси такомиллаштирилган;

кўмир конлари ресурсларидан мажмуавий фойдаланишда экологик, иқтисодий, ижтимоий омилларни ўзаро боғлаш ва иқтисодий-экологик самарадорликни максималлаштириш модели ишлаб чиқилган;

энергокимёвий ресурс мажмуаси фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ёқилғи-энергетика мажмуасининг кўмир саноат тармоғи фаолиятини босқичлар билан тавсифланадиган иқтисодий-экологик дастурлаштириш модели таклиф этилди;

кўмир саноатини ривожлантириш йўналишларини иқтисодий-экологик асослаш имконини берувчи ҳамда фаолиятини иқтисодий-экологик жиҳатдан баҳолаш ва ривожлантириш алгоритми ишлаб чиқилди;

кўмир кони хомашёларидан мажмуавий фойдаланишнинг иқтисодий-экологик самарадорлигини максималлаштиришнинг иқтисодий-математик модели ишлаб чиқилди;

кўмир саноатини иқтисодий-экологик ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли прогнози ишлаб чиқилди;

кўмир саноатини иқтисодий-экологик ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва механизмлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усуллар, иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш мақсадида статистик ёндашувдан фойдаланилганлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ҳамда Давлат божхона кўмитасининг статистик маълумотларига асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, илмий натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёқилғи-энергетика мажмуасининг кўмир саноат тармоғи фаолиятини иқтисодий-экологик ривожлантириш бўйича олинган илмий хулосалардан ушбу йўналишга оид услубий аппаратни, ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар республикамиз кўмир саноат тармоғи фаолиятини интеграциялашган иқтисодий-экологик тизим сифатида ташкил этишга қаратилган мажмуавий чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ёқилғи-энергетика мажмуасини иқтисодий-экологик ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ёқилғи-энергетика мажмуаси корхоналарининг интеграциялашган иқтисодий-экологик фаолиятини такомиллаштиришнинг босқичли механизми бўйича берилган таклифлар «Ўзбекэнерго» АЖ фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекэнерго» АЖнинг 2017 йил 28 октябрдаги РМ-01-21/8165-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси электроэнергетика тармоғининг ривожланиш концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган ва истиқболда ёқилғи-энергетика балансида кўмир улушини ошириш заруратини ҳисобга олиб, «Ўзбекэнерго» АЖ тизимидаги иссиқлик электр станцияларининг кўмир ёқилғисига бўлган эҳтиёжларини прогнозлаш имкониятини берган;

интеграциялашган иқтисодий-экологик фаолият чора-тадбирларини ишлаб чиқишда экологик дастурлаштириш субъектлари ва табиий муҳит муносабатларини мувофиқлаштириш тузилмасини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар «Ўзбеккўмир» АЖ фаолиятига жорий этилган («Ўзбеккўмир» АЖнинг 2017 йил 7 ноябрдаги 01-13-1308-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши иқтисодий-экологик дастурлаштириш доирасида мақсад, вазифа ҳамда тамойилларни аниқ белгилаш, шунингдек, уларни ресурслар билан боғлаш натижасида тармоқнинг барқарор ривожланишига эришиш самарадорлигини баҳолаш имконини берган;

кўмир конлари ресурсларидан мажмуавий фойдаланишда экологик, иқтисодий, ижтимоий омилларни ўзаро боғлаш ва иқтисодий-экологик самарадорликни максималлаштириш модели «Ўзбеккўмир» АЖ фаолиятига жорий этилган («Ўзбеккўмир» АЖнинг 2017 йил 7 ноябрдаги 01-13-1308-сонли маълумотномаси). Ресурслардан мажмуавий тарзда фойдаланишнинг иқтисодий-экологик самарадорлигини максималлаштириш модели асосида қабул қилинган лойиҳанинг рентабеллик даражаси 67,6 фоизни ташкил этган ва 117,9 млн. сўм иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган;

энергокимёвий ресурс мажмуаси фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий мезонлари бўйича берилган таклиф «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзбеккўмир» АЖ фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекэнерго» АЖнинг 2017 йил 28 октябрдаги РМ-01-21/8165-сонли ҳамда «Ўзбеккўмир» АЖнинг 2017 йил 7 ноябрдаги 01-13-1308-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг «Ўзбекэнерго» АЖ тасарруфидаги корхоналар фаолиятига жорий қилиниши асосий фаолият натижасида ҳосил бўладиган чиқинди маҳсулотларини мақсадли қайта ишлаш самарадорлигини 4 фоизга оширишни таъминлаган ва иқтисодий-экологик самарадорликка эришиш имконини берган. Энергокимёвий ресурс мажмуаси фаолиятининг ташкилий-иқтисодий мезонлари «Ўзбеккўмир» АЖни модернизациялаш ва уни мувозанатли ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда қўлланилган. Прогноз кўрсаткичлари бўйича лойиҳа харажатларининг қопланиш муддати 3,9 йилни ташкил этиб, 103,3 млрд.сўм миқдорида иқтисодий самара бериши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 17 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 52 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган маҳаллий журналларда 9 та, хорижий журналларда 3 та илмий мақола ва бошқа нуфузли журналларда 12 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 27 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ёқилғи-энергетика мажмуасини иқтисодий-экологик ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида ёқилғи ресурсларини казиб олиш жараёнини экологик мувофиқлаштиришга инновацион ёндашув ва унинг иқтисодий жиҳатлари, ёқилғи-энергетика мажмуаси (кейинги ўринларда ЁЭМ) иқтисодий ва экологик ҳолатининг таҳлили, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ЁЭМнинг иқтисодий-экологик ривожланишининг концептуал асослари ва иқтисодий-экологик дастурлаштирилиш услуби назарий жиҳатдан баҳоланган.


Ўзбекистон Республикасида миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида асосий муаммолардан бири – табиатдан фойдаланиш, минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва ер ости бойликларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга оқилона ёндашишдир. Ушбу ҳолатни аниқлашда қуйидаги омиллар мавжуд: ички бозорда ёқилғи-энергетика ресурсларига талабнинг юқорилиги, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар, ЁЭМнинг давлат бошқаруви ҳамда ривожланишини қўллаб-қувватлаш механизмларининг маъқуллик даражаси. Ёқилғи ресурслари базаси ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллар қаторига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: геологик қидирув ишларининг қисқариши билан боғлиқ ҳолда захиралар ҳажмининг камайиши, нефть, газ ва кўмирни казиб олиш шароитларининг қийинлашуви ва мураккаблашуви, шунингдек, энергия ташувчиларининг жаҳон нархлари

конъюнктураси ва транспорт харажатларининг ортиши. Буларнинг барчаси мамлакат ЁЭМ ривожланиш стратегиясини қайтадан кўриб чиқишни тақозо этади.

Ёқилғи ресурсларини қазиб олиш жараёнида табиий атроф-муҳитга етказиладиган иқтисодий-экологик ва ижтимоий зарарни бартараф этиш ёки камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва баҳолаш, шунингдек, мазкур чора-тадбирларда ёқилғи-минерал ресурсларини қазиб олувчи корхоналарни ривожлантириш вариантларини шакллантириш ҳамда уларни иқтисодий-экологик баҳолаш илмий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Н.Ф. Реймерс, А.Ф. Порядин, А.Д. Хованский саноат тармоғи ишлаб чиқариш фаолиятини экологик мувофиқлаштиришни умумжамоавий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда технологик ҳодиса сифатидаги ролига, ишлаб чиқаришнинг экологик сиғимини пасайтириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш ва чора-тадбирларни татбиқ этиш жараёнларига изох берганлар. Аммо ушбу жараёнларда ким ташаббускор ва экологик мувофиқлаштириш объектлари қандай омилларга боғлиқ эканлиги очиб берилмаган. Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ва тўлдирган ҳолда қуйидаги таърифни ўринли, деб ҳисоблаймиз: экологик мувофиқлаштириш – микро- ва макродаражада экологик талабларни тўлиқ ҳисобга олишни таъминлайдиган механизмдир.

Тадқиқот давомида амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра, иқтисодий-экологик модернизациялашда ЁЭМнинг кўмир саноат тармоғи фаолияти самарадорлиги фақатгина ишлаб чиқариш динамикасига боғлиқ бўлмай, экологик муҳитнинг турғун ҳолатини сақлаш харажатларига ҳам боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, кўмир саноат тармоғи олдида турган муҳим вазифалардан бири – фақатгина юқори фойда олиш мақсадида ишлаб чиқариш ресурсларини самарали жойлаштиришдан иборат бўлиб қолмасдан, балки ишлаб чиқаришнинг иқтисодий-экологик параметрларини сақлашга қаратилган иқтисодий механизмни яратишдир.

Кўмир саноатида иқтисодий-экологик дастурлаштириш иқтисодий категория сифатида иқтисодий-экологик дастурларни шакллантириш ва уларни амалга ошириш бўйича ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-иқтисодий ҳамда техник-иқтисодий муносабатларнинг йиғиндиси бўлиб, уларнинг асосий мақсади атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш ҳамда унинг натижасида иқтисодий ва ижтимоий самара олишдан иборат бўлади. Иқтисодий-экологик дастурлаштиришнинг барча даражаси учун технологик, ишлаб чиқариш, ижтимоий, ахборот, иқтисодий, атроф-муҳитни муҳофазалаш, ташкилий-бошқарув вазифалар мавжуд бўлиб, уларнинг мазмуни дастурлаштириш моҳияти билан аниқланади. Иқтисодий-экологик ривожлантириш дастурининг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бериш учун унинг даража ва босқичлари ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Иқтисодий-экологик дастурларни ишлаб чиқиш механизми⁷

Маълумки, нефть ва газ захиралари бошқа давлатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам камайиб бормоқда, у бир неча ўн йилликларга, шу билан бирга, кўмир захираси 100 йилдан ортиқ муддатга етиши мумкин. Шунинг

⁷Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

учун кўмирнинг Ўзбекистон энергетика соҳасидаги роли пастлигини ҳисобга олиб, ундан максимал даражада самарали фойдаланиш механизмини ишлаб чиқиш зарур. Ўзбекистон кўмир саноатининг асосий йўналиши – янги технологияларни жорий этиш асосида қазиб олиш самарадорлигини, хомашёни қайта ишлаш ҳажмини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш, хомашё салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ҳисобланади. Ёқилғи маҳсулотларининг кенг диапазони, жумладан, каолин, оҳактош, қурилиш материаллари, минерал ўғитлар, бурғулаш реагентларини ишлаб чиқариш базаларини яратиш республикада кўмирдан фойдаланиш самарадорлигининг ўсишини ҳамда экологик мувофиқликни таъминлайди.

Амалда кўмир саноатида табиий ресурслардан кўп миқдорда фойдаланилиши, пул маблағлари тежаб қолинишига интилиш натижасида экологик дастурлар ва инновацион жараёнлар жуда суст амалга оширилмоқда, юқори технологияга асосланган ишлаб чиқариш улуши тобора қисқармоқда. Бу эса, ўз навбатида, тармоқнинг иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлиб хизмат қилиши табиий. Бундай шароитда фаолиятни иқтисодий-экологик дастурлаштириш ёқилғи ресурсларини қазиб олишда барқарор ривожланишга эришиш учун муҳим омил ҳисобланади. 2010-2017 йиллар давомида нефть қазиб чиқариш ва мос ҳолда уни қайта ишлаш суръатлари пасайганлиги қайд этилиб, йилдан-йилга кўмирни қазиб олиш ва шунга мувофиқ электр энергиясини ишлаб чиқариш суръатлари ортиши кузатилган (1-жадвал).

1-жадвал

Ёқилғи-энергетика тармоқлари бўйича умумий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)⁸

Тармоқ	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2010-2017 й.й.
Электр энергетикаси	102,7	101,1	103,0	101,3	102,2	105,8	110,3	103,0	133,1
Кўмир	98,2	108,5	95,3	109,2	110,0	90,4	111,3	104,4	128,1
Нефть қазиб чиқариш	101,3	102,9	104,5	97,7	91,9	112,9	96,2	93,7	99,5
Нефтни қайта ишлаш	90,7	100,9	94,1	105,4	99,9	93,0	97,2	98,9	81,1
Газ	110,3	100,3	109,7	99,8	96,9	112,5	101,5	100,5	134,7

Муаллифнинг фикрича, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ЁЭМнинг кўмир саноат тармоғи фаолиятида иқтисодий-экологик

⁸Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

дастурлаштиришдан фойдаланишнинг зарурий сабаблари мавжуд. Уларга қуйидагилар киради:

1. ЁЭМ ҳамда атроф-муҳит ривожланишининг салбий пропорциялари, тузилмалари ва тенденцияларини тубдан ўзгартириш зарурати.

2. Дастурий чора-тадбирлар назорат қилинишини талаб этувчи мавжуд экологик муаммоларнинг мажмуавийлиги.


3. Кўмир қазиб чиқариш ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларнинг мавжуд даражаси барқарор ривожланишга эришишда мавжуд имкониятнинг камайиб боришига таъсир кўрсатиши.

4. Қўйилган мақсадга эришиш учун молиявий ва моддий ресурслардан максимал даражада назоратли фойдаланишнинг зурурати.

ЁЭМнинг кўмир саноат тармоғи фаолиятида иқтисодий-экологик дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда самарали амалга оширишда тармоқнинг қатор хусусиятлари (иқтисодий-экологик муаммоларнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифалар билан доимий боғлиқлиги, иқтисодий-экологик муаммоларнинг кўп қиррали тавсифи, табиий ресурслардан номажмуавий фойдаланишнинг устунлиги)ни ҳисобга олишни талаб этади. Қайд этилган хусусиятларнинг ҳисобга олиниши ЁЭМнинг кўмир саноат тармоғини иқтисодий-экологик ривожлантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий-экологик дастурлаштиришнинг дунё тажрибасида мавжуд амалиёт иқтисодиётнинг турли даражаларини қамраб олади: алоҳида корхоналар даражаси, маҳаллий даражалар, минтақавий ва миллий даражалар. Тадқиқот натижасида кўмир саноат тармоғи даражасида қўлланилиш имконияти бўлган иқтисодий-экологик дастурлаштиришнинг мувофиқлаштирилган тизими таклиф этилди (2-расм). Мазкур ёндашувлар ЁЭМнинг кўмир саноат тармоғи фаолиятини иқтисодий-экологик дастурлаштириш, ёқилғи ресурсларини қазиб олишда интеграциялашган иқтисодий-экологик тизим сифатида фаолият юритиш учун зарур назарий-методологик замин яратди.

Диссертациянинг «**Ёқилғи-энергетика мажмуасининг кўмир саноат тармоғини иқтисодий-экологик ривожлантириш йўллари шакллантиришнинг услубий асослари**» деб номланган иккинчи бобида кўмир саноатида минерал ресурсларни қазиб олиш ҳудудларининг иқтисодий ва экологик ҳолатини баҳолаш кўрсаткичларини асослаш ва уларга таъсир этувчи омиллар таҳлили амалга оширилиб, ЁЭМнинг кўмир саноат тармоғини ривожлантириш йўналишларининг мавжуд вариантларини шакллантириш услуби, тармоқни ривожлантириш йўллари иқтисодий-экологик баҳолаш ва танлашнинг ташкилий-иқтисодий алгоритми, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда ёқилғи-минерал хомашё ресурсларидан фойдаланишни экологик мувофиқлаштириш имкониятлари ёритилган.

Кўмир саноатида ижтимоий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси, экологик сиғим даражаси, атроф-муҳитни муҳофазалаш бўйича тармоқ харажатлари омиллари эътиборга олиниши зарур. ЁЭМнинг юқори иерархик даражадаги тизим билан боғлиқлиги ҳақида гап кетганда, ёқилғи-минерал хомашё ресурсларига



2-расм. Иқтисодий-экологик дастурлаштиришнинг мувофиқлаштирилган тизими⁹

бўлган талаб даражасини, мажмуанинг қўллаб-қувватланиш даражасини ҳисобга олиш заруратини келтириб чиқаради.

⁹Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Дунёда ёқилғи-энергетика ресурсларининг қазиб олиниши, энергия истеъмоли бўйича статистик маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, энергия манбалари орасида кўмир етакчи ўринларни сақлаб қолаверади (2-жадвал).

2-жадвал

Дунёда энергия истеъмолининг прогнози¹⁰

Энергия манбаи	Й и л л а р				
	2020	2025	2030	2035	2040
Нефть, млн. т	4377	4531	4650	4738	4820
Табиий газ, млн.т н.э.*	3650	4010	4360	4745	5050
Кўмир, млн.т н.э.	4317	4480	4648	4851	5027
Атом энергияси, млн.т н.э.	680	752	840	901	940
Гидроэнергия, млн.т н.э.	995	1087	1180	1256	1288
Қайта тикланадиган энергия манбалари, млн.т н.э.	507	685	871	1085	1310
Жами, млн.т н.э.	14526	15545	16549	17576	18435

*т н.э.(нефть эквиваленти тоннаси) – халқаро энергетика саноатида қўлланиладиган энергия бирлиги. 1 т н.э. бир тонна нефтни ёқиш натижасида ҳосил бўладиган энергияни ифодалайди; ушбу бирлик тахминан 7,4 баррель нефть ёки 1270 м³ табиий газ ёки 1,4 т кўмир эквиваленти сифатида аниқланади. <http://stopudov.info>.

Шу сабабли ҳам, асосий хомашё сифатида қазиб олинаётган кўмир билан бирга, иккиламчи ресурслар ва кўмирни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўладиган техноген ресурслар миқдори ортиши табиий. Тадқиқотлар кўрсатишича, агар минерал ресурсларни қазиб чиқариш корхонасининг фаолиятига мажмуавий тарзда ёндашиб, унга ресурсларни қазиб олувчи ҳамда қайта ишловчи сифатида қаралса, иқтисодий-экологик чекловларни ҳисобга олган ҳолда минерал хомашё ресурсларини иқтисод қилиш стратегияларини амалга ошириш йўналишлари ишлаб чиқаришни замонавий ташкил қилиш усулидан бири ҳисобланган диверсификациялашни шакллантириш имконини беради. Ўзбекистонда ресурсларни қазиб чиқариш тармоқларида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш учун яққол омиллар, яъни – қазиб чиқариш чиқиндиларининг юқори даражаси, минерал хомашё концентрациясининг юқори даражаси, кам чиқиндили технологияни жорий этиш, ишчи кучининг юқори касбий-техник даражаси ҳамда илмий, техник-технологик тараққиётнинг кўп вариантлиги омиллари мавжуд.

Республикамизда табиий ресурслардан фойдаланишнинг географик асосларини ишлаб чиқиш борасида бир қанча ишлар қилинган, уларнинг


¹⁰Манба: Конторович А.Э., Эпов М.И., Эдер Л.В. Долгосрочные и среднесрочные факторы и сценарии развития глобальной энергетической системы в XXI веке. // Геология и геофизика. – 2014. – №5-6. - С.694.

аксарияти амалиётга йўналтирилган. 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПФ-4707-сонли фармонга мувофиқ, ёқилғи-энергетика балансида кўмир улуши ортиб бориши мажмуанинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда иқтисодий-экологик ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қаторига айнан кўмир қазиб олишнинг экологик жихатдан бошқа тармоқлар фаолиятига нисбатан таъсир даражасининг юқорилигини эътиборга олган ҳолда, ушбу тармоқ ишлаб чиқаришини диверсификациялаш иқтисодий-экологик ривожлантиришни дастурлаштиришнинг муҳим дастаги сифатида тавсифлаш мумкин.

Шунингдек, тадқиқот ишида қазиб олиш ишларини ривожлантириш стратегиялари ва йўналишларининг мақбул иқтисодий-экологик вариантларини танлаш мезони асосланиб, ЁЭМнинг кўмир саноат тармоғини иқтисодий-экологик баҳолаш механизмини ишлаб чиқиш ва иқтисодий-экологик ривожлантириш йўллари танлаш усуллари ёритилган. Амалга оширилган тадқиқотлар ЁЭМнинг кўмир саноат тармоғи фаолиятини иқтисодий-экологик ривожлантириш йўналишлари тўғрисида қарор қабул қилишнинг турли даражаларида амалга ошириладиган жараёнларнинг бир бутун яхлит мажмуасини ишлаб чиқиш имконини берди. Услубий ёндашув ва тармоқ фаолиятини ривожлантиришни иқтисодий-экологик баҳолаш ва ривожланиш йўналишларини танлашнинг таклиф этилаётган механизмини шакллантириш мақсадининг талабларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги соддалаштирилган блок-схема кўринишига келтирилиши мумкин (3-расм). Таклиф этилаётган алгоритм танлаб олинadиган устуворликлар ва макро-иқтисодий омилларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, тармоқ фаолиятини ривожлантириш йўналишини иқтисодий-экологик асослаш имконини беради.

Тадқиқот ишида ёқилғи-минерал хомашё ресурсларининг ташқи савдо айланмаси бўйича статистик маълумотларининг таҳлили натижасида шундай хулосага келиндики, фаолиятни экологик мувофиқлаштириш, яъни қазиб олиш ва қайта ишлаш фаолиятини мономахсулот ишлаб чиқаришдан полимахсулот ишлаб чиқаришга ўтказиш учун етарлича салоҳият мавжуд. Янги замонавий технологияларни қўллаш орқали ёқилғи-минерал хомашё маҳсулотлари, йўл-йўлакай маҳсулотлар ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларидан металллар, қурилиш материаллари, мелиорантлар ва темир қотишмаларини ҳосил қилиш имконияти мавжудлигини ҳисобга олсак, экспорт таркибида мазкур турдаги товарлар улушини оширишга, ўз навбатида, уларнинг импортдаги улушини камайтириш натижасида валютанинг иқтисод қилинишига эришилади.

Диссертациянинг **«Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кўмир саноатини иқтисодий-экологик ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва истиқболлари»** деб номланган учинчи бобида кўмир саноатини иқтисодий-экологик ривожлантиришнинг асосий йўналишлари шакллантирилиб, тармоқни ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш прогнози амалга оширилган ҳамда кўмир саноатини иқтисодий-экологик ривожлантиришнинг чора-тадбирлари ва механизмлари ишлаб чиқилган.



3-расм. ЁЭМнинг кўмир саноат тармоғи фаолиятини иқтисодий-экологик баҳолаш ва ривожлантириш алгоритми¹¹

¹¹Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Ёқилғи-энергетика балансида кўмир улушининг ортиб бориши йилдан-йилга мазкур ёқилғи турини қазиб олиш ҳажмларининг ортишига сабаб бўлиб, ЁЭМнинг ривожланиши кўмир саноатининг иқтисодий-экологик ривожланиши билан бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатади. Республикамизда кўмир саноати таркибий жиҳатдан мажмуавий бўлиб, турли ассортиментдаги маҳсулотларни чиқариш имкониятига эга.

Шу боис, авторефератда мамлакатимизда кўмир қазиб чиқаришни иқтисодий-экологик ривожлантириш бўйича Ч. Кобб ва П. Дугласлар томонидан ишлаб чиқилган ЯИМ билан жисмоний капитал ва меҳнат ўртасидаги ўзаро алоқадорликка асосланган иқтисодий ўсиш асосидаги моделини келтирамиз.

$$Y_i = \beta_1 X_{2i}^{\beta_2} X_{3i}^{\beta_3} e^{u_i} \quad (1)$$

Мазкур моделдан фойдаланиб, кўмир саноатининг асосий кўрсаткичлари (3-жадвал) асосида тармоқ фаолияти таҳлил қилинди (тўлиқ ҳисоб-китоблар диссертацияда берилган).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси кўмир саноатининг асосий кўрсаткичлари, (жорий йил нархларида)¹²

Кўрсаткич-лар Йиллар	Жалб қилинган инвестициялар, млрд. сўм	Асосий фондлар, млрд. сўм	Ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм	Рўйхатдаги ходимлар сони, минг киши
2005	-	49 375,7	40,3	6,39
2006	-	52 155,6	40,3	6,57
2007	-	65 692,1	44,0	6,39
2008	-	71 529,6	68,7	6,36
2009	-	89 714,8	69,4	6,50
2010	-	96 064,4	82,2	6,47
2011	26,9	167 907,4	104,4	6,27
2012	123,3	193 249,8	138,5	6,54
2013	78,3	274 614,6	207,9	6,28
2014	54,1	394 098,3	251,2	6,46
2015	92,8	501 404,8	334,9	6,68
2016	108,3	578 006,7	354,7	6,61

Таҳлил натижалари ва ҳисоб-китоблар мамлакатимизда кўмир қазиб чиқаришни ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатди. Биринчидан, кўмир қазиб олишда жалб этилаётган инвестициялар миқдори жуда камлиги сабабли, уларни жалб этишни кенгайтириш чораларини кўриш керак. Чунки, инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш истиқболда асосий фондларнинг ўсишига сабаб бўлади. Иккинчидан, ишлаб чиқариш асосий фондларининг эскириши давом этаётганлиги сабабли, улар жуда кам қувватлар билан ишламоқда ва уларнинг имкониятидан самарали фойдаланиш кўмир қазиб чиқаришни

¹²«Ўзбеккўмир» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

янада ошишига олиб келади. Маълумки, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллардан бири асосий фондлар эканлигини эътиборга олиб, улар ҳажмини ошириш лозим.

